

ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА [REDACTED] ВИЛОЯТ СУДИ
КАССАЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ
АЖРИМИ

2020 йил [REDACTED] куни жиноят ишлари бўйича [REDACTED] вилоят суди кассация инстанцияси судлов ҳайъати ўз биносига, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи: вилоят суди [REDACTED], хайъат судьялари [REDACTED] дан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси [REDACTED] нинг котиблигида, вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи [REDACTED], химоячи [REDACTED], айбланувчи [REDACTED] нинг иштирокида, жиноят ишлари бўйича [REDACTED] туман судининг [REDACTED] ажримига нисбатан [REDACTED] томонидан берилган кассация шикоятига асосан жиноят ишини кассация тартибида кўриб чиқиб, қуйидагиларни,

А Н И Қ Л А Д И

Жиноят ишлари бўйича [REDACTED] туман судининг [REDACTED] ажримига кўра,

[REDACTED] – 1993 йил 21 сентябрда [REDACTED] вилояти [REDACTED] туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, бўйдоқ, ишсиз, судланмаган, [REDACTED] да яшайди.

[REDACTED] туман прокурорининг илтимосномаси қаноатлантирилиб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 109-моддаси 2-қисми билан [REDACTED] нисбатан юритилган жиноят иши Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2013 йил 12 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма бир йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида”ги Қарорининг 6-бандига асосан ҳаракатдан тугатилган.

Иш ҳолатларига кўра, [REDACTED] 2013 йил 17 июль куни соат 11-30 ларда ўзига олдиндан таниш бўлган [REDACTED] тоғаси Ш.Раимовга тегишли давлат рақами [REDACTED] бўлган “Жигули” русумли автомашинага миндириб, автомашинани ўзи бошқариб, [REDACTED] қишлоғидан ўтган йўлда кетаётганида [REDACTED] унга автомашинани тўхтатишини айтишига қарамасдан, автомашинани бошқариб ҳаракатланишда давом этавергач, [REDACTED] автомашинанинг эшигини очиб, ўзини ерга ташлашини айтганида, унинг чап қўлидан ушлаб, автомашинани ҳаракатлантиришда давом этиши натижасида [REDACTED] автомашинанинг орқа ўнг эшигини очиб ўзини ерга ташлаб, судга оид тиббиёт экспертизасининг 2013 йил 20 июлдаги 296-сонли хулосасига кўра “соғлигининг бузилишига олиб келган енгил тан жароҳати” олган.

[REDACTED] шикоятда, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 109-моддаси 2-қисмида кўрсатилган жиноятни содир қилмаган бўлса-да,



дастлабки тергов ва суд томонидан тазйиқ ўтказилиб, ариза бермаса қамок жазоси берилишини айтишиб, кўрқитишиб, ариза олишганлигини баён қилиб, унинг ҳаракатларида жиноят аломатлари мавжуд бўлмаганлиги ҳамда жиноий ҳодиса юз бермаганлиги сабабли жиноят ишини ЖПКнинг 83-моддасига асосан тугатишни сўраган.

Кассация инстанцияси суди, иш бўйича вилоят судининг судьяси [REDACTED] маърузасини, прокурор [REDACTED] шикоятни қаноатлантиришсиз қолдириш ҳақидаги хулосасини, ҳимоячи [REDACTED] ва [REDACTED] шикоятни қувватлаб берган фикрларини эшитиб, кассация шикоятидаги вазларни иш материаллари билан бирга ўрганиб ва таҳлил қилиб, қуйидагиларга асосан суд ажримини бекор қилиб, жиноят ишини умумий тартибда кўриш учун юборишни, кассация тартибидаги шикоятни қисман қаноатлантиришни лозим топди.

Кассация инстанциясида сўралган [REDACTED] шикоятини қувватлаб, у дастлабки терговда ва судда айби йўқлигини айтишига қарамасдан, хоҳишига зид равишда ариза олиб, иш тугатилганлигини баён қилиб, унинг ҳаракатларида жиноят аломатлари мавжуд бўлмаганлиги ҳамда жиноий ҳодиса юз бермаганлиги сабабли жиноят ишини ЖПКнинг 83-моддасига асосан тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 22 декабрдаги “Судлар томонидан амнистия актларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 16-сонли қарори, 13-банди, 2-хатбошисида, қонун бундай тақдимномага амнистия актини қўллаш масаласи қўйилаётган шахс аризаси ҳам илова қилинишини талаб этиши туфайли, суриштирувчи, терговчи дастлаб унга ариза бериш ҳуқуқи ва келиб чиқиши мумкин бўлган процессуал оқибатларни тушунтириши шарт бўлиб, бу ҳақда баённома тузилади деб кўрсатилган.

Жиноят ишидаги ҳужжатларига кўра, дастлабки терговда [REDACTED] ариза 2013 йил 27 декабрь куни олинган бўлсада, унга ариза бериш ҳуқуқи ва келиб чиқиши мумкин бўлган процессуал оқибатларни тушунтирилганлиги ҳақидаги баённома тузилмаган ва суд томонидан ҳам [REDACTED] суд процессидаги ҳуқуқлари тушунтирилган бўлсада, амнистия актининг қўлланилишидан келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатлари тушунтирилмаган ва тергов органи томонидан йўл қўйилган камчиликлар бартараф қилинмаган.

Шунингдек, биринчи инстанция суди томонидан [REDACTED] ариза олинган бўлсада, ушбу ариза қайси куни ёзилганлиги тасдиқловчи санаси кўрсатилмаган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг 2018 йил 24 августдаги “Судлар томонидан жиноят ишларини апелляция ва кассация тартибида кўриш амалиёти тўғрисида”ги 25-сонли қарорининг 35-бандида, жиноят-процессуал қонуни мазмунига кўра, ишни хусусий шикоят (протест) бўйича кўрганда кассация инстанцияси биринчи инстанция суди ажримини бекор қилиш ва ишни янгидан кўриш учун юборишга ҳақли эканлиги кўрсатилган.



Юқорида қайд этилган асосларга кўра, кассация инстанцияси суди суд ажримини бекор қилиб, жиноят ишини умумий тартибда кўриш учун юборишни, кассация тартибидаги шикоятни қисман қаноатлантиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 490, 491, 496, 506, 506¹, 509-моддаларига амал қилиб, кассация инстанцияси судлов ҳайъати,

АЖРИМ ҚИЛДИ:


Жиноят ишлари бўйича [REDACTED] туман судининг 2014 йил [REDACTED] оид ажрими бекор қилинсин.

Жиноят иши умумий тартибда кўриш учун жиноят ишлари бўйича Зомин туман судига юборилсин.

Шикоят қисман қаноатлантирилсин.

Раислик қилувчи

имзо



Ҳайъат судьялари

имзо

имзо

Аслига тўғри:

